



# ФАЛСАФА ва ҲУҚУҚ

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, фалсафий-ҳуқуқий журнал  
2021/2 (№19)

*Биз янги шароитда маънавий-маърифий ишларни кучайтиришга интилоқдамиз. Бундай ёндашув – бугунги ва келгуси ривожланишимиз учун мустаҳкам пойдевордир.*

*Шу маънода, Янги Ўзбекистонни барпо этиш – яқин ва олис тарихимиз, бетакрор ва ноёб маданий бойликларимизни янада чуқур ўрганиб, уларга таяниб, мустақил миллий тараққиёт йўлимизни янги босқичда давом эттириш демакдир.*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев**

Журналимизнинг мазкур сонида Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти ҳамкорлигида “Янги Ўзбекистонда маънавий ва моддий омиллар диалектикаси” мавзuida 2021 йил 19 майда ташкил этилган илмий-амалий анжуман материаллари ҳам чоп этилмоқда.

## Тахрир хайъати:

**М.Н.Абдуллаева** -  
ф.ф.д., профессор

**Б.Т.Тўйчиев** –  
ф.ф.д., профессор

**Ж.С.Раматов** –  
ф.ф.д., профессор

**Г.Т.Маҳмудова** -  
ф.ф.д., профессор

**Й.О.Жўраев** -  
ю.ф.д., профессор

**Қ.Н.Назаров** –  
ф.ф.д., профессор

**Р.Ж.Рўзиев** -  
ю.ф.д., профессор

**А.Ў.Ўтамуродов** -  
ф.ф.н., профессор

## Бош муҳаррир:

**А.Г.Муминов** –  
с.ф.д., профессор

Му а с с и с: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий  
Университети

Тахририят манзили: 100095 Тошкент шаҳар,  
Университет кўч., 4.

www. [www.nuu.uz/uzc/info/falsafa3](http://www.nuu.uz/uzc/info/falsafa3)

E-mail: [falsafavahugug-jurnal@nuu.uz](mailto:falsafavahugug-jurnal@nuu.uz)

**ISSN 2181-7294**

**Босишга 24.09.2021й. да рухсат этилди**

Бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Offset қоғози. ЎзМУ босмахонасида  
ризографда босилди. “Times” гарнитураси. Хажми 30 б.т.

Наشريёт ҳисоб табоғи 30 б.т. Алади 70 нусха.

Буюртма №127.

Журнални нашрга тайёрловчилар  
**Қ.Назаров, А.Муминов, Х.Соқиев**

**ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА РАЙОНЛАШТИРИШ ДАВРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР**

**Норматов О.М. –**  
*тарих фанлари бўйича*  
*фалсафа доктори(PhD)*

Туркистон ўлкасида совет ҳокимияти ўрнатилгач, большевиклар кескин чоралар кўришига қарамай савдо-сотик муносабатларида асосий ўринни эгаллаган бозорлар сақланиб қолди. Ўзбекистонда округ районларидаги бозорлар ва савдо-сотик муносабатлари куйидагича бўлган:

Самарқанд округида савдо-сотик ишлари ўзига хос равишда олиб борилган. Округда 50та бозор ва 3500 савдо шохобчалари бўлган. Савдо шохобчаларининг 109таси давлатники, 103таси тижорат ва 3288таси хусусий эди. 1925 йилнинг биринчи ярмида бу савдо шохобчаларининг пул айланмаси 33 856 000 рублни ташкил этган бўлиб, бунинг 18 538 000 рубли давлат шохобчаларига, 3 711 000 рубли тижорат шохобчаларига ва 11 608000 рубли хусусий шохобчалари ҳиссасига тўғри келган[1].

Хоразм округида эса амалга оширилган савдо-сотик ишларига назар ташлайдиган бўлсак, тижорат ўзига хос равишда ташкил этилган эди. Округ ҳудудида жами 23та бозорлар фаолият юритган бўлиб, уларнинг жойлашуви туманларнинг иқтисодий-сиёсий ҳолати, шарт-шароитидан келиб чикиб турлича бўлган. Масалан, Манғит туманида 5та, Гурлан, Янги-арик, Боғот туманларида 2 та, Шовот, Янги Урганч, Ҳазорасп туманларида 3та, Ғазавот, Хива ва Хонқа туманларида эса биттадан бозорлар фаолият юритган[1.-С.2.]. Бозорларда асосий савдо-сотик ишлари ҳафтанинг белгиланган кунларида амалда оширилган. Бозорлардаги маҳаллий савдогарлар ўз маҳсулотлари савдосини кўчма тарзда амалга оширишгани билан характерланади.

Округ бўйича умумий савдо шохобчаларининг 24таси давлатга қарашли, 30 таси тижорат ва 1263 таси хусусий бўлган. Хусусий савдо шохобчаларининг аксарияти белгиланган бозор кунларида фаолият юритган. 1925 йилнинг биринчи ярмида бу савдо шохобчаларининг пул айланмаси 4 684 000 рублни ташкил этган бўлиб, унинг 1 794 000 рубли давлат шохобчаларига, 435 000 рубли тижорат шохобчаларига ва 2 453 000 рубли эса хусусий савдо шохобчалари ҳиссасига тўғри келган[1.-С.19.].

Ўзбекистон ССРдаги муҳим округлардан бири Қўқон округида ҳам савдо алоқалари ўзига хос равишда олиб борилган. Округда аҳоли савдо ишларини юритиш ва истеъмол эҳтиёжларини қондириш мақсадида марказий шаҳар бозорлари ва қишлоқ бозорлари фаолият юритган. Масалан, Риштон, Бешариқ, Лайлакхона, Қува, Яйпан, Чодак ва бошқа шунга ўхшаш ҳудудларда қишлоқ бозорлари фаолият юритган бўлса, асосий йирик шаҳар бозорлари эса Қўқон, Фарғона, Марғилон каби водийнинг йирик шаҳарларида жойлашган эди. Округда 5499та савдо шохобчалари бўлиб, уларнинг 137таси давлатга қарашли, 237таси тижорат ва 5125таси хусусий эди. 1925 йилнинг биринчи ярмида бу савдо мажмуаларининг пул айланмаси 57 312 000 рублни ташкил этган бўлиб, бунинг 41 505 000 рубли давлат шохобчаларига, 4 091 000 рубли тижорат шохобчаларига ва 11 716 000 рубли хусусий шохобчалар ҳиссасига тўғри келган[1. – С 110 – 111].

Районлаштириш комиссиясининг маълумотларига кўра, Анжижон округи ҳудудида 48та бозорлар мавжуд бўлган бўлса, энг муҳимлари Наманган ва Андижонда жойлашган эди. Ана шу жиҳатдан ҳам округдаги савдо-сотик ишлари асосан икки қисмга ажратилган. Биринчиси Наманган, округнинг марказий ва шимоли-ғарбий қисмларини, Андижон эса округнинг қолган қисмларидаги аҳоли истеъмол эҳтиёжларини қондирувчи марказ ҳисобланган. Кучли иқтисодий марказий бозор Асака бозори ҳисобланган. Округда 111та давлатга қарашли, 237та тижорат ва 3843та хусусий савдо шохобчалари фаолият кўрсатган. 1925 йилнинг биринчи ярмида бу савдо шохобчаларининг пул айланмаси 46 504 000 рублни ташкил этган

бўлиб, бунинг 33 628 000 рубли давлат шоҳобчаларига, 4 091 000 рубли тижорат шоҳобчалари ва 8 785 000 рубли хусусий шоҳобчалари ҳиссасига тўғри келган. Андижон округида фақат олди-сотди фаолияти билан шуғулланувчи савдо шоҳобчаларидан ташқари 41та пахта сотиб олиш пункти ва турли маҳсулотларни қайта ишловчи 11та пунктлар ҳам мавжуд бўлиб, улар округнинг асосий манзилгоҳларида фаолият юритган[2.].

Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-худудий чегараланишдан сўнг Ўзбекистон ССР таркибида бўлган Хўжанд округида амалга оширилган савдо-сотик ишларига назар ташлайдиган бўлсак, тижорат ўзига хос равишда ташкил топган. Округда асосий савдо маркази Хўжанд шаҳри ҳисобланган. Бундан ташқари Конибодом, Исфара, Шайдон шаҳарларида, Қуйи Аштда асосий савдо бозорлари фаолият юритган. Жумладан, Қуйи Ашт бозори Қирққудук, Жарбулоқ, Пахтакор, Сарвак, Қалам, Тожиқоқжар ва Ўзбеқоқжар қишлоқлари аҳолисига хизмат кўрсатган. Бундан ташқари Пистакўз, Ғўлакандоз, Қамишқўрғон ва бошқаларда иккинчи даражали бозорлар ҳам фаолият юритган. Хўжанд округида 1719та савдо шоҳобчалари бўлиб, уларнинг 32таси давлатга қарашли, 38таси тижорат ва 1 649 таси хусусий бўлган. 1925 йилнинг биринчи ярмида бу савдо мажмуаларининг пул айланмаси 10 121 000 рублни ташкил этган бўлиб, бунинг 5 585 000 рубли давлат шоҳобчаларига, 1 568 000 рубли тижорат шоҳобчаларига ва 2 968 000 рубли хусусий шоҳобчалар ҳиссасига тўғри келган. Хўжанд округида фақат олди-сотди фаолияти билан шуғулланувчи савдо шоҳобчаларидан ташқари 5та пахта сотиб олиш пунклари ва 13та турли маҳсулотларни қайта ишловчи пунктлар ҳам мавжуд бўлиб, улар округнинг асосий аҳоли манзилгоҳларида фаолият юритган[1. – С 100 – 101.].

Районлаштириш даврида Қашқадарё округида савдо-сотик муносабатларига назар ташлайдиган бўлсак, у ўзига хос бўлган. Округ ҳудудида жами аҳоли истеъмол эҳтиёжларини қондириш учун 23та бозорлар фаолият юритган бўлиб, уларнинг жойлашуви туманларнинг иқтисодий ва маъмурий ҳолати, шарт-шароитидан келиб чиқиб турлича бўлган. Масалан, Чирокчи, Бешкент туманларида 5та, Тангаҳарам, Косон туманларида 4та, Шаҳрисабзда 2та, Китоб, Яккабоғ ва Ғузор туманларида эса 1тадан бозорлар фаолият юритган. Бу бозорлар Қашқадарё округидаги шаҳар ва қишлоқларни ўзаро боғлаб турган. Бозорлар ўша пайтда аҳолининг асосий олди-сотди жойлари бўлиб, улар ўлканинг иқтисодий тараққиётида муҳим роль ўйнаган. Бозорларга турли хил истеъмол моллари ва хом ашё материаллари турли йўллار орқали етказиб берилган ҳамда савдо алоқалари туманларнинг иқтисодий тараққиётига жиддий таъсир кўрсатган. Савдо алоқалари округ доирасидаги туманлар билан чегараланмасдан, қўшни округлар билан ҳам олиб борилган. Округ бўйича умумий савдо шоҳобчалари 2032та бўлиб, унинг 23 таси давлатга қарашли, 26 таси тижорат ва 1983таси хусусий бўлган. Хусусий савдо шоҳобчаларининг аксарияти белгиланган бозор кўнларида ишлаган. 1925 йилнинг биринчи ярмида бу савдо шоҳобчаларининг жами пул айланмаси 6 696 000 рублни ташкил этган бўлиб, бунинг 2 383 000 рубли давлат шоҳобчаларига, 377 000 рубли тижорат шоҳобчаларига ва 3 936 000 рубли хусусий савдо шоҳобчалари ҳиссасига тўғри келган[1. – С. 163– 165.].

Ўзбекистоннинг муҳим ҳудудларидан бири Бухоро округидаги савдо-сотик ва бозорлар фаолияти ўзига хос равишда олиб борилган. Округ ҳудудида 34та бозорлар мавжуд бўлиб, ҳар туманга бозорлар сони ҳам деярли тенг тақсимланиб жойлашган эди. Масалан, Шофиркон, Ромитан-Хайробод туманларида 4та, Баҳовуддин туманида 6та ва бошқа туманларда 5тадан бозорлар фаолият юритган. Округ бўйича энг муҳим аҳамиятга эга бўлган марказий бозор Бухоро шаҳрида жойлашган. Бу бозор-савдо муносабатларида нафақат округ бўйича, балки қўшни округлар ва ҳаттоки Қозоғистоннинг айрим ҳудудларини ҳам боғлаб турувчи минтақадаги марказий бозор ҳисобланган. Бундан ташқари Ғиждувон ва Вобкент бозорлари ҳам асосий бозорлар саналган[3.].

Округ бўйича савдо-сотик ишлари ҳар бир районда ўзига хос кўринишда ташкил этилган. Жумладан, бозорлар фаолияти ҳар бир районда турли кўринишда бўлиб, айрим районлар мисолида фаолият юритганлигини кўришимиз мумкин.

Шофиркон районидаги аҳоли эҳтиёжлари асосан Хўжа Ориф бозори орқали таъминланган. Районнинг ғарбий ва марказий ҳудудларидаги 33та қишлоққа (бу қишлоқларда 5236 хўжалик яшаган) Хўжа Ориф бозори хизмат кўрсатганлиги бунга мисол бўла олади. Бундан ташқари, районда учта бозор бўлиб, улар Кўхна Вардонзе, Денов ва Чандир қишлоқларига хизмат кўрсатган. Районнинг шарқий қисми аҳолиси эса Гиждувон районининг машҳур бозоридан фойдаланишган. Районда бозорлардан ташқари қуйидаги савдо пунктлари ҳам мавжуд бўлган: Битта пахта сотиб олиш пункти, битта қорақўл тери сотиб олиш ва битта жун сотиб олиш пунктлари (барчаси Хўжа Орифда) фаолият юритган. Оқругда яна бир муҳим районлардан бири Гиждувон районида ҳам савдо муносабатлари ўзига хос равишда ташкил қилинган. Районда олди-сотди ишлари асосан қуйидаги бозорларда олиб борилган: Гиждувон, Гаждумак, Пермаст, Ғишти ва Тошрабат бозорлари. Уларнинг ичида энг асосийси Гиждувон бозори ҳисобланиб, 59та қишлоқнинг 6600 хўжалигига, Гаждумак бозори эса 31та қишлоқнинг 2900 хўжалигига хизмат кўрсатган. Райондаги қолган бозорлар маҳаллий кўринишга эга бўлган. Районда бозорлар билан биргаликда, учта пахта сотиб олиш, иккита қорақўл тери тайёрлаш пунктлари ҳам фаолият юритган[4.].

Бухоро округида ўзига хос районлардан бири Вобкентда эса қуйидаги бозорлар фаолият юритган: Вобкент, Пешкў, Қумушкент, Зандана ва Янгибозор. Буларнинг ичида энг машҳури Вобкент бозори бўлган. Вобкент бозори районнинг марказий ва шарқий қисмига (64та қишлоқ) ва қолаверса Гиждувон районининг бир қатор қишлоқларига фаолият кўрсатган. Районнинг ғарбий қисмига эса Зандана, Янгибозор, Пешкў бозорлари фаолият кўрсатган. Районда учта пахта сотиб олиш ва учта турли маҳсулотлар сотиб олиш пунктлари ҳам фаолият юритган. Ромитон-Хайробод, Баҳовуддин, Бухоро ва Қорақўл районларида ҳам ўзига хос бозорлар ва савдо пунктлари иш юритган [5.].

Оқруг бўйича умумий савдо шохобчалари ҳам фаолият кўрсатган бўлиб, улар давлатга қарашли, тижорат ва хусусий савдо шохобчаларига бўлинган. Хусусий савдо шохобчаларининг кўпчилиги бозор кунлари ишлаган. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви маълумотларига кўра, 1925 йилнинг биринчи ярмида Бухоро округидаги бу савдо шохобчаларининг пул айланмаси 20 348 000 рублни ташкил этган бўлиб, бунинг 9 719 000 рубли давлат шохобчаларига, 1 449 000 рубли тижорат шохобчаларига ва 9 180 000 рубли хусусий савдо шохобчалари ҳиссасига тўғри келган [6.].

Районлаштириш даврида Тошкент округида ҳам савдо-сотик муносабатлари ўзига хос равишда олиб борилган. Оқруг бўйича 32 та бозорлар фаолият юритган бўлиб, уларнинг ҳар бири район аҳолиси эҳтиёжлари учун хизмат қилган. Масалан, бу даврда ишлаб турган Тошкентда Қибрай, Кўктерак, Тошкент, Троцкий; Янгийўлда Зангиота, Эски Тошкент, Қовунчи, Чиноз; Паркентда Номданак, Паркент; Ангренда Облик, Телов, Хонобод, Янгибозор; Бекободда Жумабозор, Қиёт, Стретенский каби бозорларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин[7. – С 81.].

Районлаштириш даврида Сурхондарё округида амалга оширилган савдо-сотик ишларига назар ташлайдиган бўлсак, тижорат ўзига хос равишда ташкил этилган эди. Оқруг ҳудудида жами 20та бозорлар фаолият юритган бўлиб, уларнинг жойлашуви туманларнинг иқтисодий-сиёсий ҳолати, шарт-шароитидан келиб чикиб, турлича бўлган. Бозорларда асосан савдо-сотик ишлари ҳар ҳафтада икки марта белгиланган кунда амалга оширилиб, аҳоли эҳтиёжи учун хизмат қилган. Бозорларнинг ичида энг каттаси ва иқтисодий жиҳатдан кучлиси Эски Термиз яқинидаги Паттакесар бозори ҳисобланган. Паттакесар бозорида божхона назорати орқали Афғонистон давлати билан ҳам олди-сотди алоқалари олиб борилган. Шеробод, Сарисийё, Юрчи ва Денов бозорлари туманлараро бозор саналса, Бойсун, Дарбанд ва Дашнобод бозорлари эса фақат ўз туманлари аҳолиси эҳтиёжлари учун хизмат кўрсатганлиги билан характерланади. Умуман оқругдаги бозорларнинг 8таси иқтисодий жиҳатдан кучли ҳисобланиб, улар оқруг аҳолиси эҳтиёжининг 80%ини таъминлаган. Оқруг бўйича умумий савдо шохобчаларининг 13таси давлатга қарашли, 10таси тижорат ва 778таси хусусий бўлган. Хусусий савдо шохобчаларининг аксарияти

бозор кунлари фаолият юритган. 1925 йилнинг биринчи ярмида бу савдо шоҳобчаларининг пул айланмаси 2 491 000 рублни ташкил этган бўлиб, унинг 425 000 рубли давлат шоҳобчаларига, 263 000 рубли тижорат шоҳобчаларига ва 1 803 000 рубли эса хусусий савдо шоҳобчалари ҳиссасига тўғри келган. Сурхондарё округида фақат олди-сотди фаолияти билан шуғулланувчи савдо шоҳобчаларидан ташқари битта пахта сотиб олиш пункти (Термиз шаҳрида) ва турли маҳсулотларни қайта ишловчи 10та пунктлар ҳам мавжуд бўлиб, улар округнинг асосий аҳоли манзилгоҳларида фаолият юритган[1. – С 150 – 154.].

Хулоса қилиб айтганда, Ўрта Осиёда ўтказилган районлаштириш даврида Ўзбекистон ССРдаги округлар ва уларга қарашли бўлган районлардаги савдо-сотик ишлари ва бозорлар фаолияти, умуман олганда иқтисодий муносабатлар ўзига хос тарзда йўлга қўйилган. Бу ҳолат Ўрта Осиё районлаштириш комиссиясининг назаридан четда қолмаган. Чунки савдо-сотик ва бозорлар районнинг иқтисодий марказини ҳамда ҳудуддаги иқтисодий потенциални белгилаб берган. Бу жиҳат Ўзбекистонда янгидан маъмурий-ҳудудий районларни ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. Краткая характеристика проектируемых округов и районов. – Самарканд: Изд. ЦК Р Уз, 1926. Ўзбекистон МА, Р-86 –фонд, 1-рўйхат, 3401-иш, 165-варақ.
2. Ражабов Қ. Бухоро вилояти тарихи. – Тошкент: “Tafakkur”, 2015.
3. Ражабов Қ., Иноятов С. Бухоро тарихи. – Тошкент: “Tafakkur”, 2016. Ўзбекистон МА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 3401-иш, 165-166-варақ.
4. Материалы по районированию Ташкентского округа Уз ССР. Выпуск. Список населённых пунктов. – Т.: Изд. ТОКР, 1926.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада, Ўрта Осиёда ўтказилган районлаштириш давридаги Ўзбекистоннинг иқтисодий муносабатлари, ҳолати, бозорлар фаолиятининг ўзига хос тарзда йўлга қўйилганлиги ҳақида сўз юритилади. Худудларда амалга оширилган савдо-сотик ишлари турли хил манбалар асосида таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** районлаштириш, округ, савдо-сотик, район, бозорлар, савдо шоҳобчалари, маъмурий-ҳудудий тузилиш.

#### РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются экономические отношения, состояние Узбекистана в период районирования Центральной Азии, особенности функционирования рынков. Торговая деятельность, осуществляемая в регионах, была проанализирована на основе различных источников.

**Ключевые слова:** районирование, район, торговля, район, рынки, торговые точки, административно-территориальное устройство.

#### RESUME:

The article examines economic relations, the state of Uzbekistan during the zoning of Central Asia, the features of the functioning of markets. The trade activities carried out in the regions were analyzed based on various sources.

**Keywords:** zoning, region, trade, region, markets, retail outlets, administrative-territorial structure.

39. Иброҳимов Ғ.А.	<i>Yevropa faylasuylari ijodida begonalashuv masalasi</i>	150
40. Ҳакимова М.А.	<i>Жамоат ташиқлотлари – халқ манфаатлари йўлида</i>	154
41. Холмуродов Ғ.	<i>Инновацион жамиятда ижтимоий шерикчилик омилининг таҳлили</i>	158
42. Ярбаев Х.Х.	<i>Ахборотлашган жамиятда баркамол авлод таълим-тарбияси</i>	162
43. Утегенова Ж.Д.	<i>Виртуал воқеликнинг иерархик даражлари</i>	166
44. Мамадиева Н.Х.	<i>Миллий санъатимизда ахлоқий ва эстетик гоялар уйғунлиги</i>	170
45. Топилдиева М.Р.	<i>Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида юксалиш одимлари</i>	173
46. Отабаев А.	<i>Ўзбекистонни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан модернизациялаш даврида институционал янгилашиллар.</i>	176
47. Закирова Д.Т.	<i>Шахс ва жамият маънавий омилини мустаҳкамлашда Ислом ахлоқий қадриятларининг аҳамияти</i>	180
48. Норматов О.М.	<i>Туркистон ўлкасида районлаштириш давридаги иқтисодий муносабатлар</i>	184
49. Анваров А.	<i>Глобаллашув жараёнлари ва сиёсий маданият</i>	188
50. Нарзуллаев О.С.	<i>Худудий ички ишлар органларида ахборот-таҳлилий иш ва уни такомиллаштириш масалалари</i>	191
51. Соқиев Х.В.	<i>Глобаллашув шароитида ахборот трансформациясининг идентификацион жараёнларга таъсири</i>	196
52. Равшанов О.	<i>Ёшларга доир давлат сиёсатининг айрим жиҳатлари</i>	200
53. Эркинов И.Э.	<i>Электрон ҳукумат тизимининг шаклланиши ва ривожланиши</i>	204
54. Рахмонов Б.М.	<i>Глобаллашув жараёнида Марказий Осиё минтақаси этносиёсати</i>	209
55. Исмаилов А.З., Холмўминов Ғ. Б.	<i>Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатчиликни барпо этиш гоялари тарихи</i>	213
56. Ахмедов А.	<i>Рақамли иқтисодиётнинг маънавий омилини мустаҳкамлаш имкониятлари</i>	217
57. Шарипов А.З.	<i>Гуманизм гоясининг ижтимоий-фалсафий таҳлили</i>	221
58. Муқимов Б.	<i>Маънавий ислохотлар мамлакат тараққиёти ва таълим ривожини таъминлашнинг муҳим омилидир</i>	225
59. Улфатиллаева С.С.	<i>Имом ал-Бухорий таълимотида аёллар билан боғлиқ ҳадисларнинг фалсафий герменевтик таҳлили</i>	229
60. Афоризмлар	<b>ФАЛСАФА: ЯНГИЧА МЕЗОНЛАР</b> <i>(фалсафа фанлари доктори, профессор Ибодулла Эргашев)</i>	233